

## Зикр ҳақида муҳим маълумот



10:35 / 18.07.2020 107148

Аллоҳни зикр қилар эканмиз, уни кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Чунки, “Аллоҳни зикр қилинглари!” ояти билан “Аллоҳни кўп зикр қилинглари!” ояти ўртасида фарқ бор. Зикрлардан фойда кўришнинг асосий шарти уларни кўпайтиришдир. Бунга далил Пайғамбар алайҳиссаломнинг жумъа куни ўзларига саловот айтишга амр қилган ҳадисларидир. Ўша ҳадисда у зот алайҳиссалом “Менга саловот айтинглари” демадилар, балки “Унда (жумъа кунида) менга саловотни кўпайтиринглари” дедилар. Зикрлар борасидаги маълумотларни ўрганишимиз орқали шу нарса маълум бўлдики, кўпайтиришга тарғиб қилинган зикрлар 6 та экан. Мазкур зикрлар сизни ғам, оғриқ, касаллик ва гуноҳлар билан бўладиган курашингизда ўткир найза, йўқ қилувчи қурол бўлиб хизмат қилади.

1. Пайғамбар алайҳиссаломга саловотни кўп айтиш. Айниқса жумъа кунида зикрларнинг асосий қисми саловот бўлишига ҳаракат қилиш керак.

2. Истиғфорни кўпайтириш. Агар Аллоҳ сизга илҳом ва ёрдам бериб, бўш вақтингизда тилингизни истиғфорга машғул қилиб қўйса, нур устига нур, хайр устига хайр бўлар эди. Ҳадисларда Пайғамбар алайҳиссалом ҳар куни 70 марта, 100 марта истиғфор айтиб, тавба қилишлари зикр қилинган.

3. “Я Зал Жалали вал Икром”ни **(مَارِكُ إِلاٰوِ لَإِلْجِإِ اِذِإِ)** кўп айтиш. Аллоҳ таолонинг 99 та энг гўзал исмларидан бири бўлган ушбу исмда буюк сир

яширинган. Я Зал Жалалнинг маъноси “Эй улуғлик, камол ва азамат Соҳиби”. Икромнинг маъноси “Эй ато ва карам Соҳиби”. Агар сиз ушбу зикрга машғул бўлсангиз, Аллоҳга ҳамд айтган ва У Зотдан ҳожатларингизни сўраган бўласиз. Бир кунда 100 марта Я Зал Жалал десангиз, Аллоҳ сиздан қанчалар рози бўлади. Агар Икром десангиз, Аллоҳдан ҳожатларингизни сўраган бўласиз. У Зот сизнинг нималарга эҳтиёжингиз борлигини сиз айтмасангиз ҳам яхши билади ва ўша сўровларингизни беради.

4. “Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ”ни **(هَلْ لَّابِ اِلٰهٍ ؕوَقِ اِلٰو لَوْحِ اِلٰ)** кўп айтиш. Пайғамбар алайҳиссалом кўплаб саҳобаларга ушбуни айтишни тавсия қилиб, уни “Жаннат хазиналаридан бири” дея васф қилганлар. Агар сиз ҳам уни кўп айтсангиз, Аллоҳнинг сизга бўладиган лутф ва эҳсонларини кўрасиз, иншааллоҳ.

5. “Ла илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимийн”ни **(اِٰلِٰهٖ اِلٰهٖ اِلٰ نِيْمِ لَاطِلِ اِنَّمَا تَنْكِي نِيْ كِنَاحِ بَسْ تَنْ اِٰلِٰهٖ)** кўп айтиш. Бу зикр ғамларга қаҳр кўрсатиб, шодликни жалб қилади. Зеро, бу Юнус алайҳиссаломнинг дуолари бўлиб, шу дуолари сабабли наҳанг қорнидан қутилганлар.

6. Субҳаналлоҳ, Алҳамдулиллаҳ, Ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбарни кўп айтиш.

Мазкур зикрлардан фойда кўриш учун уларни кўп ва такрор-такрор айтиш лозимдир. Аллоҳнинг зикрини кўпайтирганингиз миқдорича Унинг муҳаббатига эришасиз. Дуога ҳарис бўлганингиз миқдорича ижобатига эришасиз. Зикрларни такрор қилганингиз миқдорича шайтонга, ҳасадчиларга, ғамларга қаҳр кўрсатасиз. Аллоҳ вақтларингизни Ўзининг зикри ила хуш ўтишини насиб этсин!

***Интернетдаги арабча манбалардан***

***Нозимжон Ҳошимжон таржима қилди***